



Азиза МЎМИНОВА

ўқитувчи

Самарқанд давлат чет тиллар институти

aziza-310187@mail.ru

KOMMEN ФЕЪЛИНИНГ АСПЕКТУАЛ СЕМАНТИКАСИ

Мақолада *kommen* ҳаракат феълининг аспектуал жихатлари кўриб чиқилган. Яъни унинг турли предлог ва префикслар билан бирикиб келган шаклини немис тили изохли луғатида берилган маънолар асосида ўрганган. *Kommen* феълининг префикслар билан бирикиб келганда англатадиган маънолари бадиий матнлардан олинган мисоллар ёрдамида таҳлил қилинган.

В статье рассматриваются аспектуальные стороны глагола действия *kommen*. Автор рассматривает разные формы глагола *kommen* с различными префиксами. В статье приведены примеры из художественной литературы к значениям глагола *kommen* в сочетании с префиксами.

In this article the aspectual features of one of the verbs of motion, *kommen* are discussed. An author deals with the meanings of the combined forms of the verb *kommen* revealed when it combines with prefixes and prepositions are analyzed with the help of examples taken from fictional literature in this article.

Калит сўзлар: префикс, предлог, тасниф, аспектуал семантика, чегараланган/чегараланмаган феъллар, лимитатив – нейтрал феъллар, акционал хусусият, юриш – ҳаракат феъллари.

Ключевые слова: аспектная семантика, предельные /непредельные глаголы, лимитатив – нейтральные глаголы, акциональность, префикс, предлог, классификация, глаголы движения.

Key words: aspectual semantics, unlimited/limited verbs, limitative-neutral verbs, actional feature, prefix, preposition, classification, verbs of motion.

Немис тилидаги барча ҳаракат феъллари аспектуал маъно англатишига кўра икки турга, яъни чегараланган ва чегараланмаган феъллар гуруҳига бўлинади. Бир қанча герман тилшунослари ўз илмий тадқиқотларида ҳаракат феълларини турлича таснифлайдилар. Масалан, Э. Махонина, Б. Балин, В. Нефедов, Ю. Канеко ва Э. Петрухина бу феълларни акционал хусусиятига кўра икки гуруҳга – чегараланганлик ҳамда чегараланмаганлик гуруҳларига

ажратиш тарафдорлари бўлса, С. Андерссон, В. Павлов уч гуруҳга – чегараланган, чегараланмаган ҳамда нейтрал феълларга ажратишни таклиф этишади. Ўзбек тилшунослиги вакилларида Б. Ризаев ҳам ўз тадқиқотларида ҳаракат феълларини уч турга: чегараланган, чегараланмаган ва лимитатив-нейтрал феълларга ажратган(10, 95-96), ҳаракат феълларини юқорида санаб ўтилган хусусиятларга кўра таснифлаб чиққан. Б.Х.Ризаев таснифида *kommen* феъли чегараланган феъл сифатида эътироф этилган (11, 8–12). Рус тилшуноси И. Раҳманкулова ҳам тадқиқотларида немис тилидаги феълларни аспектual жиҳатдан таснифлаб, *kommen* феълени ўтимсиз чегараланган феъл сифатида қайд этган(9, 3-14). Масалан:

1. *Antje hatte die Tabletten geschluckt und sie war mit dem Mädchen zum Praxis gekommen*(3, 29).

2) *Als ich wieder an die Oberfläche kam, war es zehn Uhr nachts*(2, 61).

3) *Es wurde gerade hell, als wir an die deutsche Grenze kamen: links ein breiter Fluss, rechts ein Wald*(5, 49).

Келтирилган мисоллардаги *kommen* феъли семантикасида субъектнинг муайян объектга етиб борганлиги, яъни ҳаракат бошланиб, якуний нуқтага етганлиги ва ҳаракатнинг тугалланганлиги ифодаланмоқда. Шу сабабли ҳам *kommen* феълени Б. Ризаев фикрига қўшилган ҳолда чегараланган ҳаракат феъллари гуруҳига киритиш мумкин.

Немис тилининг изоҳли луғатига назар ташласак, *kommen* феълнинг куйидаги маънолари берилган:

kommen – 1. irgendwohin kommen, sich zu einem genannten Ort, zum Sprecher bewegen – субъектнинг сўзловчи томон оёқлар воситасида ҳаракатланиши: *Mein Cousin kommt morgen zu uns*; 2. (irgendwohin) kommen ein (räumliches) Ziel erreichen – субъектнинг муайян мақсад сари ҳаракатланиши, юриши: *Nach Hause kommen*; 3. Durch etwas kommen auf dem Weg zu einem bestimmten Ziel durch etwas gehen, fahren: *Wir kamen dann durch ein wunderschönes Tal* – субъектнинг маълум бир объект орқали ўз манзилига етиб келиши; 4. Irgendwoher kommen aus dem genannten, Land, der genannten Stadt stammen: *Ich komme aus Schottland*; субъектнинг маълум бир давлат, юрт, ҳудуддан эканлиги; 5. Irgendwohin kommen, auf einem bestimmten Weg zu einem Ziel gelangen – субъектнинг муайян йўналиш орқали ўз манзилига етиб келиши: *Wie kommt man von hier zum Flughafen?*(7, 485 – 486).

Келтирилган 1- ва 2- изоҳларда *kommen* феъли субъектнинг маълум бир нуқта ёки манзилга оёқлар воситасида етиб келиши маъносини англатса, 3-изоҳда субъектнинг ўз манзилига етиб келиши учун муайян объект орқали ҳаракатланиш маъносини ифодаламоқда; 4-изоҳда субъектнинг муайян

давлатдан келиб чиққанлиги, яъни маълум бир ҳудуддан эканлиги маъноси ифодаланган, ушбу изоҳда *kommen* феъли аспектual маъно англатмаган бўлса, 5-изоҳда субъектнинг ўз манзилига маълум йўналиш орқали етиб келиши маъноси англашилмоқда. Ушбу изоҳда *kommen* феъли ҳаракатнинг йўналиш, тугал нуқтага етиб бориш маъноларини ифодалаган ва шу жиҳатдан айтиш мумкинки, *kommen* чегараланган хусусиятли юриш – ҳаракат феълидир. Чунки, у ифодалаётган ҳаракат семантикасида маълум бир нуқтага интилиш, ҳаракатнинг тугал нуқтасига бориб етиш, маълум бир йўналиш бўйлаб ҳаракатланиш маънолари мавжуддир.

Ўзбек тилшунослигининг аспектология соҳасида салмоқли изланишлар олиб бораётган тилшунослардан бири Ғ. Мирсанов ўз илмий мақолаларидан бирида инглиз тилидаги *to walk* феълининг аспектual жиҳатдан англатадиган маъноларини таҳлил қилар экан, ушбу феълни турли равиш ва предлоглар билан бирикиб келганда қандай маъно ўзгаришлари рўй беришини кўриб чиқади ҳамда *to walk* феълни тўлиқ таҳлил қилиб, уни лимитатив-нейтрал феъл эканлигини таъкидлайди(8, 21–24).

Қуйида *kommen* феълни турли предлог ва префикслар билан бирикиб келганда англатадиган маънолари ва маъно ўзгаришларини кўриб чиқамиз:

ankommen – ist irgendwohin ankommen. Einen Ort / Adressaten / bis am Ende einer Reise des Transportes erreichen. Бирор манзилга, жойга, адресатга етиб келмоқ: *Seid ihr gut in Italien angekommen? Ist mein Paket schon bei dir angekommen?*(7, 49).

1. *Um 15 Uhr kommt der Zug an*(1, 48).
2. *Weisst du, wann Hannes am Bahnhof ankammt?* (1, 49).
3. *Die Abfahrtafel hing neben dem Schalter, und er sah, dass der nächste Zug erst in einer Stunde ankam*(5, 13).
4. *Ich hoffe, er wird dich ohrfeigen, wenn du mit den Litzen auf der Schulter nach Hause ankommst*(5, 8).

Ушбу мисолларда *-an* предлоги *kommen* феъли билан бирикиб келиб, субъектнинг ўз манзилига етиб келиш маъносини англатмоқда, аспектual жиҳатдан эса, субъектнинг муайян объектга етиб борганлиги, яъни ҳаракатнинг бошланиб, якуний нуқтага эришилганлиги ҳамда ҳаракатнинг тугалланганлиги ифодаланмоқда. Шу сабабли ҳам *ankommen* феълни чегараланган хусусиятли юриш – ҳаракат феъллари гуруҳига киритамиз.

bekommen – 1. etwas (von jemandem) bekommen in den Besitz von etwas kommen, weil jemand es einem gibt: субъектнинг маълум бир нарса-предметни олиши, қабул қилиши; *Ich habe von ihr ein Buch zum Geburtstag bekommen*; 2. etwas (von jemandem) bekommen das Ziel einer Mitteilung, einer aggressiven

Handlung usw sein: *einen Schlag auf den Kopf, einen Kuss bekommen; Habt ihr schon Nachricht von ihr bekommen?*(7, 133).

1. *Einmal kam eine kriegsmässig aufgemachte Feldküche, wir **bekamen** viel Gulasch und wenig Kartoffeln, und Zigaretten.*(5, s. 16).

2. *„Eine Erpressung? Aber wie und wann will der Täter das Geld **bekommen**? Davon steht hier nichts“*(6, 17).

3. *Frau Stahl putzt jeden Dienstag-und Donnerstagabend. Aber sie hat keine eigene Karte. Während sie arbeitet, **bekommt** sie die vom Sicherheitsdienst*(6, 9).

Ушбу мисолларда келтирилган – *be* префикси *kommen* феъли билан бирикиб, ушбу феъл маъносини умуман ўзгартирмоқда, яъни *kommen* феъли ўзининг юриш-ҳаракат маъносини эмас, балки субъектнинг бирор предметни олиши, қабул қилиши маъноларини билдирмоқда.

herkommen – 1. von irgendwoher zum Sprecher kommen: қаердандир сўзловчи томон ҳаракатланмоқ, келмоқ, яқинлашмоқ; *Komm soford her zu mir!* 2. Wo kommst du/ kommt er usw her? Verwendet um zu fragen, wo jemand geboren ist, gewohnt hat: субъектнинг қаерда туғилганлиги ёки қаерлик эканлигини сўраш(7, 406).

1. *Georg, kannst du mal bitte **herkommen**? Ich möchte dich etwas fragen?*(1, 49)

Бу мисолда *-her* префикси *kommen* феъли билан бирикиб, субъектнинг сўзловчи томонга ҳаракатланиши, яъни субъектнинг муайян нуқта ёки йўналиш томон юриши, яқинлашиши маъносини англатмоқда, аспектual жиҳатдан эса чегараланганлик хусусиятини ифодаламақда.

mitkommen – 1.(mit jemandem) mitkommen, mit jemandem zusammen irgendwohin gehen oder kommen: субъектнинг ким биландир бирор жойга бориши; *Will er mit uns auf die Party **mitkommen**?* 2. (mit jemandem) mitkommen umg; das machen können, was verlangt wird < im Unterricht, in der Schule gut, schlecht, nicht mitkommen> 3. (mit jemandem) mitkommen umg; genauso schnell etwas machen können wie jemand anderer: бирор иш-ҳаракатни бошқа бир шахс каби бажара олиш ёки бажара олмаслик; *Gehe nicht so schnell, ich **komme** nicht mehr **mit**.* 4. Nicht mehr mitkommen umg; etwas nicht mehr verstehen können: бирор нарсани тушунмаслик; *Ist das kompliziert! Ich **komme** da einfach nicht **mit***(7, 566).

1. *Wissen Sie was, Frau Berger? Ich gehe jetzt zum Essen. **Kommen** Sie **mit**?* (1, 49).

2. *Vera möchte nicht nach Frankfurt **mitkommen***(4, 43).

3. *Ich gehe zum Boxen. „Zum Boxen? Wie interessant! Darf ich **mitkommen**?“*(6, 7).

4. „*Na klar!*“, sagt die Kleine. „**Komm mit Carsten!**“ Sie nimmt den Agenten an die Hand und zieht ihn in ihr Zimmer(6, 25).

Ушбу мисолларда – *mit* предлоги *kommen* феъли билан бирикиб, субъектнинг муайян манзил томон ўзга шахс билан биргаликда ҳаракатланиши маъносини англатган, аспектиал жиҳатдан эса ҳаракатнинг тугал нуқтага ёки чегарага бориб етганлик маъносини ифодалаганлиги учун чегараланганлик хусусиятини намоён қилмоқда.

zurückkommen – 1. wieder dorthin kommen, wo man vorher war: von einer Reise, einem Spaziergang zurückkommen; субъектнинг ўз манзилига қайтиб келиши; 2. auf etwas (Akkusativ) zurückkommen von etwas sprechen, das man bereits einmal erwähnt hat: *Auf diesen Punkt komme ich später noch zurück*; 3. auf jemanden etwas zurückkommen jemandes Hilfe, ein Angebot erst (einige Zeit) später annehmen; олдинроқ мулоҳаза қилинган фикр ёки гапга қайта тўхталиш, қайтиш: *Wir werden zu gegebener Zeit auf ihr Angebot zurückkommen*(7, 1013).

Биринчи изоҳда **zurück** префикси *kommen* феъли билан бирикиб, субъектнинг борган манзилидан яна орқага қайтиши, яъни шахснинг ўз манзилига қайтиб келиш маъносини ифодаламоқда, аспектиал жиҳатдан эса ҳаракатнинг тугалланганлигини кўрсатмоқда. 2-, 3-изоҳларда эса **zurückkommen** феъли ўзининг юриш-ҳаракат маъносини эмас, балки шахс ифодалаган ёки билдирган фикр-мулоҳазасига яна қайтиши, шу ҳақда яна тўхталиб ўтиши маъноларини ифодаламоқда.

Биз юқорида **kommen** феълининг турли предлоглар ва префикслар билан бириккан шаклидаги аспект маъноларини кўриб чиқдик. Кўриб чиқилган таҳлилдан хулоса қилиб айтиш мумкинки, *kommen* феъли **-an** предлоги билан бирикиб келганда, субъектнинг бирор манзилга етиб келиши, **-be** префикси билан бириккан холда субъектнинг бирор предметни олиши, қабул қилиши, **-her** префикси билан бирикиб келганда, субъектнинг муайян бир жой, давлат, худудда туғилганлиги ёки қаердандир келиб чиққанлиги ҳамда субъектнинг сўзловчи томон ҳаракатланиши, **-mit** предлоги билан бирикиб келганда субъектнинг бирор манзилга ўзга бир шахс билан биргаликда бориши ҳамда, субъектнинг бирор ҳаракатни бажара олмаслиги ёки сўзловчи фикрини тушуна олмаслик маъноларини, **-zurück** префикси билан бирикиб келганда эса субъектнинг борган манзилидан яна орқага қайтиши яъни, шахснинг ўз манзилига қайтиб келиш ҳамда ифодаланган ёки билдирилган фикр-мулоҳазага яна қайтиш, шу ҳақида яна тўхталиб ўтиш маъноларини ифодаламоқда.

Демак, **kommen** феъли турли префикс ва предлоглар билан бирикиб келганда, турли маъно англатса ҳам, лекин аспектual нуқтаи назардан у чегараланган хусусиятли юриш – ҳаракат феълидир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Barbara Gottstein Schramm, Susanne Kalender, Franz Specht unter Mitarbeit von Barbara Duckstein. Schritte. Hüber Verlag., 2014.-184 S.
2. Bauer W. Der Fieberkopf. // Ein Roman in Briefen. “Fischer Taschenbuch”. Frankfurt am Mein., 1989. – 187 S.
3. Bastian H. Die Brut der schönen Seele. –Berlin: Das Neue Berlin, 1985. – 182 S.
4. B.Birgit DaF kompakt. Übungsbuch. Ernst Klett Sprachen. – Stuttgart. 2015. – 296 S.
5. Böll H. Als der Krieg ausbrach.// Erzählungen. –Köln-Berlin, 1978.- 262 S.
6. Franz Specht. Sicher ist nur eins. Hueber Verlag, Ismaning Deutschland., 2002.
7. Langenscheidt. Grosswörterbuch// Deutsch als Fremdsprache. –Berlin/München/Wien/Zürich/Nyu-York. Auflage 5. –Berlin u. München. 2002. – 1220 S.
8. Мирсанов Ф. *То валк* феълининг аспектual семантикаси // Хорижий филология. – Самарқанд, 2005. – Б. 89 – 90.
9. Пахманкулова Э.С. К вопросу о теории аспектuality // Вопросы языкознания. – М.: Наука, 2004. - № 1. – С. 3 – 28.
10. Ризаев Б.Х. К проблеме лимитативно нейтральных глаголов современного немецкого языка // Лингвистические исследования / Аспекты грамматического анализа. – М., 1990. – С. 131–140.
11. Ризаев Б.Х. Ҳозирги замон немис тили *kommen* феълининг акционал характеристикаси // Сўз ва гапнинг грамматик категориялари. – Самарқанд, 1993.